

ҲОЗИРГИ ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ВА ЁШЛАР ТАЪЛИМ- ТАРБИЯСИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-697-706>

Мустафаев Улаш Утаевич

Термиз давлат университети, Фалсафа кафедраси фалсафа фанлари
НОМЗОДИ, ДОЦЕНТ В.Б.

ulashmustafojev1957@gmail.com

Мустафаева Сожида Улашевна

Термиз давлат университети Факультетлараро инглиз тили
кафедраси стажёр ўқитувчи

АННОТАЦИЯ

Мақолада бугунги кунда оилада, таълим муассасаларининг барча бўғинларида, маҳалла ва меҳнат жамоларидаги ёшлар турмушига дунёда рўй бераётган трансформацион жараёнларнинг таъсири янги усулда қиёсий таҳлил этилган ва аниқ далиллар билан хулосалар чиқарилган. Ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиши учун ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан фалсафа фанига алоҳида эътибор бериши лозимлиги айтилади. Ўзбекистон Фанлар Академияси таасарруфида Фалсафа илмий тадқиқот институтини қайта тиклашга эҳтиёж сезилаётганлигига эътибор берилди. Энг муҳими бугунги ижтимоий-гуманитар фанларнинг дастурлари ва амалдаги ўқув адабиётлари тарбия жараёнида рўй бераётган муаммолар ечимларига жавоб бераётганлиги назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берилган. Ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан фалсафадан янги Ўзбекистонда учун учинчи ренессанс пойдевори яратилаётган даврда ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиши гоёси илгари сурилади. Оилада она, ота, мударрис, ўқитувчи, давлат тарбиясига Марказий Осиё мутафаккирларининг асарларида қандай эътибор қаратилганлиги ўрганилган. Бугунги кун учун аҳамияти очиб берилди. Маънавий-ахлоқий ва маърифий тарбия жараёнидаги девальвация (қадрсизланиш) рақамли ҳисоботлар билан қиёсий таҳлил қилинади. Тарбия йўналишлари учун илмий асосланган индикатор бу мутахассиснинг мақоми ва амалиёти деган хулоса берилди.

Калит сўзлар: трансформацион жараён, ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилиқ, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилиқ,

маъсулиятлилик, толерантлик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик, индикатор, комил инсон, нафс мартабаси, маҳр ҳақи, никоҳ шартномаси

ABSTRACT

This article provides a new comparative analysis of the impact of transformational processes in the world today on the lives of young people in the family, at all levels of educational institutions, neighborhoods and communities, and draws conclusions with clear evidence. It is said that in order to have a positive impact on the education of young people, special attention should be paid to the social sciences and humanities, especially philosophy. Attention is drawn to the need to revive the Institute of Philosophical Research under the auspices of the Academy of Sciences of Uzbekistan. Most importantly, it is theoretically and practically justified that the current programs of the social sciences and humanities and the current educational literature do not meet the solutions to the problems that occur in the educational process. At a time when the foundations of the third renaissance for the new Uzbekistan in the social sciences and humanities, in particular philosophy, are being created, the idea of creating a new generation of educational literature is put forward. It is studied how much attention is paid to the education of the mother, father, teacher, teacher in the family in the works of Central Asian thinkers. Its significance for today will be explained. Devaluation (devaluation) in the process of spiritual, moral and enlightenment education is compared with digital reports. It is concluded that the status and practice of this specialist is a science-based indicator for the areas of education.

Keywords: Transformation process, patriotism, entrepreneurship, willpower, ideological immunity, kindness, responsibility, tolerance, legal culture, innovative thinking, diligence, indicator, perfect man, career, dowry fee, marriage contract

АННОТАЦИЯ

В статье проводится новый сравнительный анализ влияния трансформационных процессов, происходящих в современном мире, на жизнь молодежи в семье, на всех уровнях образовательных учреждений, микрорайонов и сообществ, и делаются обоснованные выводы. Говорится, что для того, чтобы оказать положительное влияние на образование молодежи, особое внимание следует уделять общественным и гуманитарным наукам, особенно философии. Обращается внимание на необходимость возрождения Института философских исследований под эгидой Академии наук Узбекистана. Самое главное, теоретически и практически обосновано, что

современные программы социально-гуманитарных наук и современная учебная литература не отвечают решениям проблем, возникающих в образовательном процессе. В то время, когда закладываются основы третьего ренессанса нового Узбекистана в социально-гуманитарных науках, в частности философии, выдвигается идея создания нового поколения учебной литературы. Изучено, как в творчестве среднеазиатских мыслителей акцентируется внимание на матери, отце, учителе, учителе, государственном воспитании в семье. Его значение для сегодняшнего дня будет объяснено. Девальвация (девальвация) в процессе духовно-нравственного и просветительского воспитания сопоставляется с цифровыми отчетами. Делается вывод о том, что статус и практика данного специалиста является научно обоснованным показателем направлений образования.

Ключевые слова: трансформационный процесс, патриотизм, предприимчивость, сила воли, идейный иммунитет, доброта, ответственность, толерантность, правовая культура, инновационное мышление, трудолюбие, индикатор, идеальный человек, карьера, плата за приданое, брачный контракт.

КИРИШ

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида жамиятда соғлом дунёқарашни шакллантириш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш устувор вазифалардан бири сифатида қайд этилган. Бунинг учун эса оила, таълим муассасаларининг барча бўғинларида, маҳаллаларда маънавий тарбияга алоҳида эътибор бериш ва ҳозирги трансформацион жараёнлар билан уйғунликда маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш долзарб вазифа бўлиб турибди. Жамият тарихининг ҳамма даврларида маънавий тарбия масалаларига давлат ва унинг раҳбарлари, олим ва мутафаккирлари эътибор бериб келганлигига ноёб тарихий ҳужжатлар ва асарлар гувоҳликлик бериб турибди. Айниқса, шарқ давлатларининг мусулмонлар дунёсида маънавий тарбия учун она, ота, муддарис, ўқитувчи, зиёлилар ва давлат ўзини доимо маъсул деб билган. Чунки, давлатнинг сиёсий-иқтисодий ва маънавий фаровонлиги фуқароларининг интеллектуал салоҳияти билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам шарқда фозил жамият ва комил инсон ҳақидаги ғоялар бежизга пайдо бўлмаган. Ҳозир дунё давлатлари сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида жуда катта трансформацион жараёнлар бошланиб кетди. Иқтисодиёт ҳамиша сиёсат ва

мафкурадан холи деб келган ғарб давлат раҳбарлари бугун идеологияга устунлик бермоқда. Мулкчилик шаклларига ёки спортга, умуман халқ хўжалигининг барча тармоқларига мафкуранинг таъсирини постиндустриал жамиятлар сиёсатидан кўриб турибмиз. Дунё харитасида давлатлараро муносабатларнинг янги бир шакли вужудга келмоқда. Бу жараёнлар маънавий тарбияга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавийдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси, бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси, аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавийт”[1] деб айтган назарий фикрлари халқаро ҳаётда ўз исботини топмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД

Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шахри”, Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”, Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” каби асарларида маънавий тарбия тамойиллари жамият тараққиёти учун нақадар аҳамиятли эканлиги бир-бир санаб ўтилган. Бу тамойиллар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Аксинча, бу асарлардаги маънавий тарбияга оид назарий хулосаларни чуқурроқ ўрганиб жамиятга содда ва халқчил қилиб тушунтиришга эҳтиёж сезилмоқда. Абу Наср Форобийнинг шахарга ҳоким ёки имом бўладиган шахснинг ўн иккита фазилатдан биттаси шахснинг жисмоний соғлом бўлиши айтилса, қолган ўн бирта фазилат эса маънавий тарбия билан боғлиқ тамойиллар ҳақида фикрлар баён этилган. Абдулла Авлонийнинг “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот –ё ҳалокат, ё саодат ё-фалокат масаласудир”[2,13-14] хулосалари оилада она-ота учун ҳам, таълим муассасасида мударрис-ўқитувчи учун ҳам, давлат муассасида эса давлат хизматкорларининг кундалик дастурамалига айланишини ҳаёт тақоза қилмоқда. Абу Наср Форобий, Алишер Навоий ва Абдулла Авлонийларнинг фалсафий фикрларига уйғун бир ҳолатда муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Нажот мактабда, нажот тарбияда, нажот билимда”[3] деган янги фалсафий маънавий-ахлоқий тарбия тамойили янги Ўзбекистонда учинчи ренессанс пойдевори яратилаётган даврда барча фуқаро ва зиёлилар учун мотивация бермоқда.

НАТИЖАЛАР

Ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан, фалсафадан бегоналашув ижтимоий ва маиший турмушда ёшлар ҳаётига қандай салбий таъсир ўтказаетганлигини ёшлар турмушида ва жамиятда рўй берган девальвация жараёнларини давлат статистика қўмитаси рақамли ҳисоботлари билан қиёсий таҳлилига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Тузилган никоҳлар сони (жами)
(Ўзбекистон)

т/р	Ҳудуд	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	жами
1.	Ўзбекистон	306197	311379	310899	296751	305211	1530437

1-жадвал

Никоҳ девальвацияси(қадрсизланиши)
Никоҳдан ажралишлар сони(жами)

т/р	Ҳудуд	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	жами
1.	Ўзбекистон	31929	32326	31389	28233	39349	163226

2-жадвал

Ўзбекистонда 2017-2021 йилларда бир миллион беш юз ўттиз минг тўрт юз ўттиз етти минг нафар ёшларнинг никоҳ тўйлари бўлган бўлса, шу йилларда никоҳдан ажралишлар сони эса бир юз олтмиш уч минг икки юз йигирма олтитани ташкил қилмоқда. Турмуш қурган ёшларнинг 10,6 фоизи суд орқали никоҳини бекор қилган.

Жиноят содир этган эркак ва аёллар сонининг жиноят турлари бўйича тақсимланиши
(2020 йил)

/р	Жиноят турлари бўйича тақсимланиши	эркак	аёл
.	Қасддан одам ўлдириш	404	41
.	Баданга қасддан оғир жароҳат етказиш	1139	86
.	Товламачилик	156	44
.	Номусга тегиш ва номусга	217	0

.	тегишга уриниш		
.	Ўғирлик	4917	637
.	Талончилик ва босқинчилик	685	43
.	Фирибгарлик	5496	1109
.	Безорилик	1922	151
.	Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар	3151	110
0.	Иқтисодий асосларига қарши жиноятлар	6464	1050
1.	Бошқа турдаги жиноятлар	18921	2503
	ҳаммаси	43472	5774

3-жадвал

Юқоридаги жадвалларда келтирилган никоҳнинг девальвацияси (кадрсизланиши) ёки жамиятда эркак ва аёллар содир этаётган жиноят турлари таълим муассасаларида ва меҳнат жамоаларида маънавий-ахлоқий ва маърифий ишларнинг ҳали заиф эканлигидан далолат бериб турибди. Чунки, турмуш қураётган ёшлар маҳр ҳақи, никоҳ шартномаси, турмушда аёл ва эркакка ислом динида ёки оила кодексига қандай вазифалар қўйилган десангиз ҳеч нарса билмаслигига гувоҳ бўласиз. Ота-оналар фарзандларининг ўқишига кириши учун йиллар мобайнида репетиторларга пул тўлаб тайёргарлик қўришига шароит яратиб беради, лекин фарзандини турмуш қуришга тайёрлашга эътиборсиз қарайди. Шунинг таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанлар ўқув адабиётлари ва фан дастурларини тузишда жамият турмушида вужудга келаётган глобал маънавий-ахлоқий ва маърифий жараёнларга ҳамда одамлар дунёқарашини ижобий томонга ўзгартиришга, эҳтиёж талаб қилаётган мавзуларни киритиш долзарб бўлиб турибди.

МУҲОКАМА

“Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”[4] ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси

“Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”[5] қарор қабул қилган эди. Жамият барча соҳаларида рўй бераётган трансформацион жараёнлар туфайли янги Ўзбекистон жамиятида ёшларда ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилиқ, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилиқ, маъсулиятлиқ, толерантлик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш ва меҳнатсеварлик каби маънавий ахлоқий фазилатларн ёшларда шакллантириш энг муҳим вазифа этиб кўйилди. Бу маънавий ахлоқий фазилатларнинг илмий асосланган индикаторини ишлаб чиқиш ижтимоий-гуманитар фан ўқитувчиларининг вазифаси бўлиб қолмоқда. Инсон тафаккури борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг меъёрларини билиш учун жуда кўп ўлчов индикаторларини кашф қилган. Жумладан, оғирликни билиш учун грамм, килограмм, тонна, узунликни ўлчаш учун эса миллиметр, сантиметр, метр, километр, олимларнинг рейтингини аниқлаш учун хирш индекси, ўқувчи ва талабаларнинг билим даражасини аниқлаш учун беш, юз балли ёки кредит-модуль баҳолаш тизимларини кашф қилди. Узлуксиз маънавий тарбия концепциясида кўйилган ўнта маънавий ахлоқий фазилатлар индикатори жамиятда борми ёки уни кашф қилиш керакми? Бор бўлса ёки кашф этилса бу индикатор ток кучланишини ўлчайдиган индикаторлардан қайси жиҳати билан фарқланади деган савол пайдо бўлади. Юқорида келтирилган ўлчов бирликлари ёки индикаторлар ҳам инсоният тафаккури маҳсулидир. Лекин, инсон ўзининг маънавий-ахлоқий фазилатларини ўлчайдиган индикаторни ҳали кашф қилмади. Кашф қилса, у қандай бўлади деган савол кейс-стадий бўлиб турибди. Бу илмий асосланган индикаторларни кашф қилишнинг мураккаблиги шундаки, улар ёшларнинг ёш даврига нисбатан ёндошув асосида шакллантирилиши талаб этилмоқда. Биринчи босқич оилаларда, икки давр асосида, яъни ҳомила даври ва иккинчи давр бу бола туғилганда то уч ёшгача бўлган даврдир. Иккинчи босқич мактабгача таълим уч-олти(етти) ёшгача бўлган даврдир. Учтинчи босқич умумий ўрта таълим тизимида, икки даврда етти(олти)-ўн ёш, бошланғич синф. Иккинчи давр эса ўн бир-ўн етти ёш, ўрта ва юқори синф даври. Тўртинчи босқич ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ва банд бўлмаган ёшлар. Шунингдек, ўрта махсус касб ҳунар ва олий таълим муассасалари тизимида икки даврда, яъни ўрта махсус касб ҳунар ва олий таълим билан қамраб олинмаган, шунингдек ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ва банд бўлмаган ёшлар ўн етти-ўттиз ёш, иккинчи давр ўрта махсус касб ҳунар ва олий таълим муассасаларининг талаба-ёшлари ўн беш-йигирма тўрт ёш. Демак, бу жараён ота-она, тарбиячи, ўқитувчи,

профессор-ўқитувчи, зиёлилар ижтимоий қатламининг кретив ва инновацион ҳамкорлигига эҳтиёж сезмоқда. Ҳар бир босқич ва давр учун узлуксиз маънавий тарбия концепциясида кўрсатилган йўналишлар бўйича маънавий индикаторга оид адабиётлар тури яратилиши керак. Узлуксиз маънавий тарбия йўналишлари учун индикатор бу амалиёт ёки ота-она, тарбиячи, ўқитувчи, профессор-ўқитувчи, зиёлилар ижтимоий қатламининг шахсий амали, фаолиятида ёшларга намуна бўладиган феъл-атвори, одоби, хулқи ва ахлоқидир. Бу талабларни бундан юз йиллар илгари Абдулла Авлоний, Махмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхоновларнинг асарларидан ҳам топишимиз мумкин. Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарининг “Тарбиянинг замони” бўлимидаги шарқ фалсафасининг ҳикматли фикрларини фалсафа дарсларида ёшларга атрофлича тушунтириш лозим. Умуман бугун фалсафа ўқув адабиёт турларини ғарб фалсафасидан ажратиб олишга жамиятимизда эҳтёж бор. Чунки, Ўзбекистонга келаётган хорижлик туристлар миллий менталитетимизга хос бўлган урф-одат (расм-русм), маросим, анъана, қадриятлар ёки шарқ меъморий ёдгорликларини кўраман деб келади. Кўп қаватли уйлар, кенг асфальт йўллар, синтетик гиламлар, замонавий либосларни томоша қиламан деб келмайди. Шундай экан, ўзбек миллий фалсафаси ўқув адабиётлари турларида ҳам миллат фалсафаси уфри келиб туриши шарт. Ғарб ёки рус адабиётларидан зўрма-зўраки таржима қилиб олинган фалсафа ёки бошқа ижтимоий-гуманитар фан адабиётлардан аста секинлик билан халос бўлиб бориш вақти келди. Фалсафа ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанларга ислом динининг назарий манбаси бўлган Қуръони карим, ҳадислар, шарқ дунёси, хусусан Марказий Осиё мутафаккирлари асарларидаги ҳикматли фикрларни ёшларга тушунтириш ҳамда аудиториядан ташқари мустақил таълим шаклларида улардан тўғри фойдаланиш учун тавсия этилган адабиётлар рўйхатини қайта тафтишдан ўтказиш лозим. Кейинги йилларда янги чоп этилаётган баъзи фалсафа ва ижтимоий-гуманитар адабиётларда ўзбек миллий фалсафасини яратишга уринишлар бўлаётганлигини кузатиш мумкин. Ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан фалсафа комил инсонни тарбиялашга хизмат қилиши кераклиги ҳеч кимга сир эмас. Нима учун маънавий ахлоқий етук ва комил инсонни тарбиялашга хизмат қиладиган фанда аввало, нафс мартабалари тарбияси ҳақида гапириш мумкин эмас. Нафс мартабалари тарбия босқичларини дунёвий таҳлил қилиб берса ёшларда ҳам фанга қизиқиш ортади. Энг муҳими, ёшлар эртага ҳаётга тайёр бўлиб боради. Олий ўқув юртларида фалсафа фанига нисбатан дунёқараш ҳам ижобий томонга ўзгаради. Умуман,

ижтимоий-гуманитар фанлар дарсликлари ва фан дастурларидаги мавзуларни жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб ва келажакни инобатга олиб қайта кўриб чиқиш лозим. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва унинг тегишли бўлим маъсуллари бу соҳа бўйича танлов ташкил қилиб моддий-маънавий рағбатлантириш тизимини йўлга қўймаса ўқув адабиётлари яратишда ё монополия ё заиф, плагиат ўқув адабиёт турлари чоп этиш давом этаверади. Бу эса ёшларнинг ижтимоий-гуманитар фанлардан хусусан, фалсафадан бегоналашувига олиб келаверади. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун эса Ўзбекистон Фанлар Академияси тасарруфидаги Фалсафа илмий тадқиқот институти қайта тиклаш лозим бўлади.

ХУЛОСА

Дунёда ва одамлар турмушида рўй бераётган трансформацион ходисалар турмушга ижобий ёки салбий таъсир қилиши бу табиий жараён дир. Салбий омилларни пасайтиришнинг ягона йўли ижтимоий-гуманитар фанларга, хусусан фалсафага эътиборни кучайтириш керак. Чунки, фалсафа бу дунёқараш, фалсафа эътиқод, фалсафа орқали диний ва дунёвий турмуш тарзини тушунтириш мумкин. Бунинг учун эса аввало фалсафанинг янги дастурини, сўнг эса дарслигини яратишга жамиятда эҳтиёж сезилмоқда. Фалсафадан дарс бераётган профессор-ўқитувчиларнинг фикри, сўзи ва амали тингловчилар учун ҳикмат бериши лозим. Ижтимоий-гуманитар фанлар бошқа табиий-техник ва аниқ фанлардан фарқ қилишини инобатга олиб кредит-модуль тизими бўйича алоҳида баҳолаш, мустақил иш ва топшириқлар шакли бўйича низом ҳам қабул қилиш вақти келди.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш. “Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавий дир”. Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. 2021 йил 19 январь. <http://uza.uz/posts/235451>
2. Абдулла Авлоний Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент “Ўқитувчи” 1992. 13-14 саҳифа, бет 62.
3. Мирзиёев Ш Таълим-тарбия сифатини ошириш, мактаблар фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. 2022 йил 19 январь. <http://uza.uz/posts/33187>

4. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2019 йил 3 май. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.05.2019 й., 07/19/4307/3079-сон;
5. Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 2019 йил 31 декабрь. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.01.2020 й., 09/20/1059/4265-сон, 19.06.2020 й., 09/20/391/0777-сон
6. Мустафаев, У. У. (2021). УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ ШАКЛЛАНАЁТГАН ДАВРДА ФАЛСАФИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЭҲТИЁЖИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(Special Issue 2), 99-108.
7. Mustafayev, U. U. (2021). YANGI O ‘ZBEKISTON: QADRIYATLAR VA FALSAFIY FANLARNING DOLZARB MUAMMOLARI BO ‘YICHA AYRIM MULOHAZALAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(10), 568-577.
8. Mustafayev, U. U. (2021). TA’LIM BOZORI VA INTELLEKTUAL SOTSIAL “TOVAR” SIFATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(8), 218-226.
9. Mustafayev, U. U., Mustafayeva, S. U., & Haydarov, O. E. (2022). TURMUSHDAGI ISLOM: NAMOYON BO ‘LISHI VA MOHIYATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 914-921.
10. Saidov, S. (2022). TARIXIY MANBALARDA KELITIRILGAN IBN AL-MUQAFFA BORASIDAGI MA’LUMOTLAR TAHLILI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(2), 525-528.
11. Mustafayev, U. U. (2022). SOG ‘LOM E’TIQOD KOMILLIK NISHONASI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(2), 529-536.